



«СОВРЕМЕННАЯ ПСИХОЛОГИЯ И ПЕДАГОГИКА: ПРОБЛЕМЫ, АНАЛИЗ И РЕЗУЛЬТАТЫ»

Сборник материалов международной научно-рецензируемой онлайн конференции

www.e-science.uz



20 июля 2020 года

Введение

В настоящем сборнике представлены труды международной научно-рецензируемой онлайн конференции «**Современная психология и педагогика: проблемы, анализ и результаты**».

В Республике Узбекистан **вопросы развития вузовской науки в тесном взаимодействии с образовательным процессом**, обеспечения интеграции образования, науки и производства на всех этапах, являются **важнейшим аспектом** подготовки современных высококвалифицированных кадров.

Целью данной конференции является повышение уровня и качества научно-исследовательских работ, проводимых специалистами педагогической и психологической сферы Республики Узбекистан и содействовать внедрению их результатов в производство, а также установлению научных контактов между отечественными и зарубежными учеными.

В соответствии с направлениями работы конференции, сборник состоит из четырех частей:

Часть I: Влияние современных образовательных реформ на психическое развитие личности.

Часть II: Социально-психологические механизмы формирования здорового образа жизни.

Часть III: Тенденции повышения качества образования в контексте модернизации образования.

Часть IV: Современные подходы к совершенствованию непрерывного образования.

Решением председателя Высшей Аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № 281/11.2 от 30 июня 2020 года, материалы опубликованные в сборнике трудов конференции будут приравнены к статусу международных статей.

Содержание

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ 10

Часть III

“ТЕНДЕНЦИИ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ В КОНТЕКСТЕ МОДЕРНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ”

**TALABALAR TURISTIK FAOLIYATIDA IJTIMOIIY - MADANIY
KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHDA O‘ZBEKISTONNING MADANIY
- TARIXIY MEROSLARINING AHAMIYATI** 12

Nafasov D.Sh., Alimova G.B.

THE ROLE OF ICT IN INCLUSIVE EDUCATION 21

Shukurova M.E.

**TA’LIM TIZIMINI MODERNIZATSIYALASH SHAROITIDA YANGICHA VA
ILG’OR PEDAGODIK TEXNOLOGIYALARNI JORIY ETISH VA ULARDAN
SAMARALI FOYDALANISH ISTIQBOLLARI** 30

Pardayeva M.U.

**ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ХУДУДИЙ ТАЪЛИМ КЛАСТЕРЛАРНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ** 36

Адхам Х.Б., Бахитиёр Ш.Р.

**XXI АСР АВЛОДИ ОНГИДА БАРКАМОЛЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА УНИНГ ТУТГАН
ЎРНИ** 42

Ниязалиева М.М.

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН ИЖТИМОИЙ ИШ
АМАЛИЁТИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ** 49

Абдурахмонова М.М., Акромов Д.О., Эгамбердиев Ф.А

**НАУЧНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В РАЗВИТИИ ТВОРЧЕСКОГО И КРЕАТИВНОГО
ПОТЕНЦИАЛА МОЛОДЕЖИ** 55

Самиева Ш.Х., Бутко Т.В.

**ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МУҲИТИДА ТАЪЛИМ
МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШГАНЛИГИ** 68

Турсунов Р.Б.

TA’LIM TIZIMINI MODERNIZATSIYALASHNING USTUVOR YO’NALISHLARI 74

Матажонова Г.Д., Яқубова Н.Ш.

**ИЗ ИСТОРИЧЕСКОГО ОПЫТА ПОДХОДОВ К СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ
НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ ТУРКЕСТАНА (КОНЕЦ XIX ВЕКА)** 79

Джураев Д.У., Жураева М.У.

**ВЛИЯНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ ЧТЕНИЯ НА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЕ И ДУХОВНОЕ РАЗВИТИЕ МОЛОДЕЖИ** 88

Кодырова М., Аирапов Р.

**ОПТИМИЗАЦИЯ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ К СООТВЕТСТВУЮЩЕЙ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ** 96

Латипова М. И., Рахимов М.Ф.

**ТАЛАБАЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎҚИТИШНИНГ
ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ** 100

Расулова З. Д.

YAPONIYA OLIY PEDAGOGIK TA'LIM TIZIMINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	105
<i>Ziyojeva M.S., Jo'rayev I.A.</i>	
ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИДАН ДТС АСОСИДА МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	112
<i>Бердиев Б.</i>	
BOSHLANG'ICH SINIF O'QITUVCHILARIDA METODIK KOMPITENTLIKNI SHAKLLANTIRISH	118
<i>Ibragimova Sh., Ismoilova Z.</i>	
ФОРМИРОВАНИЯ НАВЫКОВ АУДИРОВАНИЯ У ШКОЛЬНИКОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ	123
<i>Inamova G.</i>	
ДВИГАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ УЧАЩИХСЯ МЛАДШИХ КЛАССОВ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ	131
<i>Джалалов Ш.В.</i>	
ТА'LIMNI MODERNIZATSIYALASH SHAROITIDA INFORMATIKA FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY INNOVATSION YONDASHUVLAR	137
<i>Nomozov F.Sh., Aminov I. B.</i>	
ТА'LIM SIFATINI OSHIRISHDA O'QITUVCHILARNING DASTURIY VOSITALARDAN FOYDALANISH KOMPETENTLIGINI	145
<i>Aminov I.B., Tugalov R.</i>	
FULFILLING ASSESSMENT PURPOSES IN PROMOTING QUALITY LEARNING IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS	152
<i>Makovskaya L.G.</i>	
ФОРМИРОВАНИЕ НАВЫКОВ ИНОЯЗЫЧНОГО ГОВОРЕНИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ	157
<i>Огай М.Х.</i>	
ВОПРОСЫ УЧЕБНОЙ ПОДГОТОВКИ СПЕЦИАЛИСТОВ ПО ГРАЖДАНСКОЙ ЗАЩИТЕ	167
<i>Ходжакулов М.Н., Хакимова С.</i>	
ТАЛАБАЛАРДА ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	174
<i>Сиддиков Б.С., Тажибоев Ж.У.</i>	
ДАСТУРИЙ - МЕТОДИК МАЖМУА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА	178
<i>Бабаходжаева Н.М.</i>	
MUAMMOLI VAZIYATLAR YORDAMIDA MASALANI TURLI MODELLARI USTIDA IJODIY ISHLASH	184
<i>Asimov A., Matasaidova M. A.</i>	
ТА'LIM TIZIMIDA SMART-AUDITORIYADAN FOYDALANGAN HOLDA O'QUV MASHG'ULOTLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISH	189
<i>Rashidov A.Sh.</i>	
EFFICIENCY OF DIFFERENTIATED INSTRUCTION IN DEVELOPING STUDENTS' PAREMIOLOGICAL COMPETENCE	195
<i>Boyxanov Sh.M.</i>	
IMPACT OF SETTING A PROPER ASSESSMENT ON THE USE OF LIBRARY AND QUALITY OF EDUCATION	202
<i>Mukhammedov E.</i>	

GEOMETRY TASK ASSESSMENT, WHICH CONDUCTED IN GOOGLE CLASSROOM VIA GOOGLE FORMS, IN TERMS OF INCLUSIVITY, STUDENT CENTEREDNESS AND DEEP APPROACH TO LEARNING.	207
<i>Khamraeva R.R.</i>	
BERNULLI SXEMASINI UMUMLASHTIRISHGA DOIR MASALALAR YECHISH AMALIYOTI	215
<i>Nishonov T.S.</i>	
МУМТОЗ АДАБИЁТ САБОҒИДА ШАРҚОНА ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА	221
<i>Тожиёва Х.Б.</i>	
OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA "FUNKSIONAL ANALIZ" FANINI O'QITISHDA MUAMMOLI TA'LIM METODIDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI	227
<i>Hayitova H.G.</i>	
БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ҲАРБИЙ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ МАЗМУНИНИ ВА АҲАМИЯТИ	231
<i>Алимардонов З.Ш., Исаков С.Ҳ.</i>	
АНАЛИТИК ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА КОМПЬЮТЕРЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ	240
<i>Қурбонов Ф.Ф.</i>	
ОТМ ТАЛАБАЛАРНИНГ ШАХСИЙ ВА КАСБИЙ РИВОЖЛАНИШИДА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ	245
<i>Шарипова Г.Н.</i>	
USE OF ELECTRONIC RESOURCES IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS OF UZBEKISTAN	251
<i>Davronova Sh.F.</i>	
ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛТИРИШДА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАЛАР МАЗМУНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	261
<i>Жуманазаров С.С.</i>	
ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ЎҚУВ АМАЛИЙ МАНБУЛАРНИ МУЛТИМЕДИАЛАР АСОСИДА ЎТКАЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	266
<i>Каландаров П.И., Авезов Н.Э.</i>	
ЭШИТИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАРГА БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА МАТЕМАТИКАНИ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ	276
<i>Дилобар Б.Я.</i>	
PISA ҲАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИНГ ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДАГИ АҲАМИЯТИ	283
<i>Маткаримов А.</i>	
ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА ВО ВНЕДРЕНИИ ОНЛАЙ ОБУЧЕНИЯ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ	294
<i>Ибодова С.К.</i>	
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АУТЕНТИК МАТЕРИАЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ: ИГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МИСОЛИДА	300
<i>Ходжимуратова М.В.</i>	

АНАЛИТИК ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА КОМПЬЮТЕРЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Курбонов Гуломжон Гафурович
Бухоро давлат университети
Математика кафедраси ўқитувчиси.
e-mail: gulomjonqurbonov8@pmail.com
тел.: +998-94-120-21-05

Калит сўзлар: *аналитик геометрия, педагогик технологиялар, компьютерли таълим технологиялари, мультимедиа, векторлар.*

Аннотация. *Ушбу мақолада “Аналитик геометрия” фанини компьютерли таълим технологияларидан фойдаланиб ўқитишнинг аҳамияти ёритилган. Талабаларнинг компьютерли таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш, ўз устида кўпроқ ишлашга жалб этиш, таълим бериш жараёнларида АКТлардан самарали фойдаланиш усуллари “Векторлар устида чизиқли амаллар” мавзуси мисолида таҳлил қилинган.*

Ключевые слова: *аналитическая геометрия, педагогические технологии, компьютерные технологии обучения, мультимедиа, векторы.*

Аннотация. *В данной статье описывается важность преподавания предмета «Аналитическая геометрия» с использованием компьютерных технологий обучения. На примере «Линейные операции над векторами» анализируются методы повышения способности учащихся использовать компьютерные технологии обучения, вовлечение их в самостоятельную работу, эффективно использование ИКТ в учебном процессе.*

Keywords: *analytical geometry, pedagogical technologies, computer learning technologies, multimedia, vectors.*

Annotation. *In this paper the importance of teaching the “Analytical Geometry” using computer-based learning technologies is discussed. Methods of increasing the ability of students to use computer-based learning technologies, to involve them in more work, the effective use of ICT in the educational process are analyzed on the example of “Linear operations on vectors”.*

Бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар пировард натижада жаҳон талаблари даражасидаги билим ва малакаларга эга, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни кўзда тутди. Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 11-июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги яна бир қарори эълон қилинди [1]. Мазкур қарорда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга оширилётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу тизимнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммоларни бартараф этиш мақсадида бир қанча изчил вазифалар белгилаб берилди. Айниқса, таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари [2,3], интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила, ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим.

Ҳозирги кунда компьютерлар таълим тизимидан асосан тўрт йўналишда фойдаланилмоқда:

- ўрганиш объекти сифатида;
- ўқитишнинг техник воситалари сифатида;

- таълимни бошқаришда;
- илмий-педагогик изланишда.

Компьютерли ўқитишнинг афзалликлари жуда кўп: талабаларда маълум малакаларни шакллантириш вақти қисқаради; машқ қилинадиган топшириқлар сони ошади; талабаларнинг ишлаш суръати жадаллашади; компьютер томонидан фаол бошқаришни талаб қилиниши натижасида талаба таълим субъектига айланади; талабалар кузатиши, мушоҳада қилиши қийин бўлган жараёнларни моделлаштириш ва бевосита намойиш қилиш имконияти ҳосил бўлади; коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда дарсни узоқдаги манбалар билан таъминлаш имконияти ҳосил бўлади; компьютер билан мулоқот дидактик ўйин характерини олади ва бу билан талабаларда ўқув фаолиятига мотивация кучаяди ва ҳоказо. Компьютерли таълим жараёнида таълим талаба ва компьютер орасидаги муносабатларга кўра ташкил этилади, бошқарилади, назорат қилинади.

Аналитик геометрия фанини ўқитиш жараёнида АКТни қўллашнинг асосий йўналишлари:

- компьютер ёрдамида ўқув материални тақдим этиш;
- мультимедиадан фойдаланиш;
- ташхис ва рейтинг назорати;
- масофавий таълим;
- мулоқотни ташкил этиш.

Аналитик геометрия фани ўқитиш жараёнида компьютер технологияси имкониятларидан фойдаланишга мисол сифатида “Векторлар устида чизиқли амаллар” мавзусини ўқитишда фойдаланиладиган электрон ишланмалар билан таништириб чиқамиз.

Замонавий компьютер ускуналари билан жиҳозланган хонада янги мавзунини тушунтириш учун электрон маъруза матни тайёрланади. Ўқитувчи янги тушунчаларни киритишда бу тушунчанинг тарихи, ҳаётда, ўрганилаётган фан ва бошқа фанлар доирасидаги ўрни ҳақида қисқача маълумотлар бериб, турли чизмалар айрим ҳолларда тайёр плакатлардан фойдаланади. Электрон маъруза

матни бу каби маълумотларни ўзида яширинган ҳолда сақлаш (гиперматнлар), плакатлар, чизмаларни слайдларда “жонлантириш” (мультимедия, видео) имкониятларига эга.

Электрон маъруза матнидаги турли ранглардан фойдаланиб тайёрланган чизма ва расмлар, тасдиқларнинг исботлари, мисол ва масалаларнинг ечимлари талабалар эътиборини чалғитмаслиги учун уларни навбат билан, маъруза давомида ўз ўрнида гиперматнларни очиш билан намоиш этиш ва уларга шарҳ бериш мақсадга мувофиқ.

Векторлар устида чизиқли амаллар тушунчасини киритишда “Фикрлар хужуми”, “Кластер” технологияларидан фойдаланган ҳолда талабалар фикрини билиш, йўналтириш жараёни якунида электрон матндаги тайёр кластерни кўрсатиш мумкин. Бошқа таълим технологияларидан [4-8] фарқли ўлароқ бунда турли ранглардан фойдаланилганига талабалар эътиборини қаратиб, унинг сабабини сўраш талабалар мустақил фикрини шакллантиради, киритилаётган тушунчаларнинг моҳиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Асосий тушунчаларни киритиш ва киритилган тушунчаларга доир мисолларни, ҳар бир талаба якка ёки жуфтликда мустақил ишлаши учун топшириқларни келтиришда гиперматнга яширинган мультимедия имкониятларидан фойдаланилган слайдларни ўқитувчи нутқи давомида намоиш этиш билан бу тушунчаларнинг талабалар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолишига эришилади. Янги мавзунини тушунтириш давомида векторлар устида чизиқли амалларнинг хоссалари келтирилиб, улардан бирининг исботи тушунтирилади. Шу ўринда барча тасдиқларнинг исботлари гиперматнга киритилган бўлса, ўқитувчи талабалардан қайси бир хоссани исботлаш қийинроқ туюлишини сўраб, улар танлаган тасдиқ исботини намоиш этади.

Ўтилган мавзуларни такрорлаш, янги мавзунини мустахкамлашга қаратилган ҳар бир талаба учун алоҳида саволлар, тест топшириқлари, мисол ва масалалар матнлари тарқатма материал сифатида тайёрланиши ва талабаларга дарс давомида тарқатилиши ёки уларнинг электрон вариантини намоиш этиш мумкин. Бунда ҳар бир топшириқ учун ажратилган вақт кўрсатилган бўлиши ва

белгиланган вақт ўтгач ўз-ўзини ёки шеригини назорат қилиш учун топшириқларнинг жавоблари намоёниш этилади. Ҳар бир тўғри ҳал этилган назорат топшириғи учун ажратилган балларнинг келтирилиши талабаларнинг дарс давомида йиғган балларини ўзлари аниқлашлари имкониятини беради.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги тезкор даврда ёшларда мустақил фикрлаш қобилиятини ошириш, уларни ўз устида кўпроқ ишлашга жалб этиш, таълим бериш жараёнларида компьютерли таълим технология фойдаланиш жуда муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 11-iyuldagi "Oliy va o'rta maxsus ta'lim tizimiga boshqaruvning yangi tamoyillarini joriy etish chora – tadbirlari to'g'risida"gi qarori.

2. Farberman B.L. Ilg'or pedagogik texnologiyalar. – Toshkent, Fan nashriyoti, 2000-yil, 127 bet.

3. Farberman B.L, Musina R.G., Jumaboyeva F.A. Oliy o'quv yurtlarida o'qitishning zamonaviy usullari. – Toshkent, 2002-yil, 192 bet.

4. T.H.Rasulov, A.Sh.Rashidov. The usage of foreign experience in effective organization of teaching activities in Mathematics. International Journal of Scientific & Technology Research. 9 (2020), no. 4, pp. 3068-3071.

5. A.Sh.Rashidov. Development of creative and working with information competences of students in mathematics. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (2020), no.3, Part II, pp. 10-15.

6. T.H.Rasulov, Z.D.Rasulova. Organizing educational activities based on interactive methods on mathematics subject. Journal of Global Research in Mathematical Archives, 6 (2019), no. 10, pp. 43-45.

7. F.Ya.Mardanov, T.H.Rasulov. Advantages and disadvantages of the method of working in small group in teaching higher mathematics. Academy. 55 (2020), no. 4, pp. 65-68.

8. M.N.Boboyeva, T.H.Rasulov. The method of using problematic equation in teaching theory of matrix to students. Academy. 55 (2020), no. 4, pp. 68-71.

Research Support Center (Центр научных услуг) и организаторы не несут ответственности за содержание научных тезисов, включенных в материалы конференции.

Научные тезисы авторов опубликованы на основании рекомендаций членов редколлегии.

Гарнитура “Times New Roman”. Издано в электронном виде.